

ЎЗБЕКИСТОНДА ИШ ҶУМЛАДАНИ ЯРАТИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Хаджаев Хабибулла Сагдуллаевич

катта ўқитувчи, Тошкент молия институти

**I-шўба: Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, шу
жумладан, хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш**

Мамлакатимизда бизнесни юритиш билан боғлиқ барча жараёнларни янада либераллаштириш, соддалаштириш ва арзонлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнеснинг республикамиз иқтисодиётидаги туганган ўрни тобора мустақамланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида" 4455-сонли Фармонида ишбилармонлик муҳитининг ҳозирги ҳолати, бизнесни юритиш шарт-шароитлари эркин бозор иқтисодиёти талаблари ва тамойилларига, умумқабул қилинган халқаро меъёр ва стандартларга ҳали тўлиқ даражада мос келмаётганлиги, тадбиркорлик фаолиятини ортиқча регламентлар билан чеклаб қўйиш ҳоллари ҳали ҳам бартараф этилмаганлиги, иқтисодиёт тармоқлари ва секторларида катта, серхаражат, ноошқора маъмурий тартиб-таомиллар ҳамон амал қилиб келаётганлиги, бюрократик тўсиқ ва ғовларга барҳам берилмаганлиги таъкидлаб ўтилди.¹

Шу сабабдан ҳам тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш, бюрократик ғовларни тугатиб бориш, рўйхатга олиш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш ҳамда соддалаштириш, солиқ ва божхона маъмуриятчилигини, ҳисоб-китоб ва ҳисобот тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган қонун ҳужжатларини мукамаллаштириш эвазига мамлакатда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш учун янада қулайроқ шарт-шароитларни яратиш, хусусий мулкчиликнинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги ҳиссасини ошириш, бизнесни юритиш шарт-шароитларини баҳолашнинг жаҳон амалиётида умумқабул қилинган халқаро мезонларини кенг жорий этиш ҳамда етакчи халқаро молиявий-иқтисодий ва рейтинг ташкилотларининг юқори баҳо кўрсаткичларига эришиш, ички бозорда рақобатни янада чуқурлаштириш, мулкчилик ва фаолиятни ташкил қилиш шаклларида қатъи назар, барча тадбиркорлик субъектлари учун бизнесни юритишда тенг шароитлар яратиш каби вазифалар устуворликларга эга ҳисобланади.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2012 йилда кичик бизнес субъектларига тегишли ишлаб чиқариш корхонлари ва микрофирмалар сони

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида" 4455-сонли Фармони

23,3 мингтага ўсиб, 2013 йил 1 январь ҳолатига кўра 219,4 мингтага (фермер хўжаликларини ҳисобга олмаган ҳолда) етди.²

1-жадвал

2011-2012 йилларда Ўзбекистон Республикасида кичик тадбиркорлик (бизнес) корхоналари сони (фермер хўжаликларисиз)³

| | Рўйхатга олинган | | Амалдаги фаолият юритаётганлар | | Фаолият олиб бормаётганлар | |
|------------------------------|------------------|------------|--------------------------------|------------|----------------------------|------------|
| | 1.01. 2012 | 1.01. 2013 | 1.01. 2012 | 1.01. 2013 | 1.01. 2012 | 1.01. 2013 |
| Ўзбекистон Республикаси | 246441 | 248580 | 218921 | 219406 | 27520 | 29174 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 11395 | 11733 | 9784 | 10146 | 1611 | 1587 |
| Андижон | 21225 | 22204 | 19814 | 20687 | 1411 | 1517 |
| Бухоро | 14038 | 13262 | 11899 | 10623 | 2139 | 2639 |
| Жиззах | 7723 | 7899 | 7153 | 6995 | 570 | 904 |
| Қашқадарё | 48618 | 48896 | 44469 | 45015 | 4149 | 3881 |
| Наманган | 14469 | 14835 | 11279 | 11793 | 3190 | 3042 |
| Самарқанд | 14890 | 13613 | 13155 | 11766 | 1735 | 1847 |
| Навоий | 6617 | 6776 | 6181 | 6236 | 436 | 540 |
| Сурхондарё | 11790 | 11810 | 9297 | 8453 | 2493 | 3357 |
| Сирдарё | 6450 | 6549 | 5892 | 5732 | 558 | 817 |
| Тошкент | 20278 | 21461 | 18141 | 19222 | 2137 | 2239 |
| Фарғона | 20301 | 20468 | 17679 | 18053 | 2622 | 2415 |
| Хоразм | 11232 | 10501 | 9874 | 9847 | 1358 | 654 |
| Тошкент шаҳри | 37415 | 38573 | 34304 | 34838 | 3111 | 3735 |

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики 2012 йилнинг 1 январь ҳолатига Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган бизнес субъектларининг сони 246441 тани ташкил этган бўлса, 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига уларнинг сони 248580 тага етди. Амалдаги фаолият юритаётган бизнес субъектлари сони ушбу давр мобайнида 218921 тадан 219406 тагача ўзгарган бўлса, фаолият олиб бормаётган бизнес субъектлари сони 2752 тадан 2917 тага етди. Бундай ўзгаришларнинг асосий сабаблари республикамизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор ва шу хусусда тадбиркорлик субъектлари манфаатларини ҳимоя қилувчи турли меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилинганлигидир.

² 2012 йилдаги макроиктисодий ҳолат ва реал сектор таҳлили. ПКБ 2013 йил 1-сон 6 б

³ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

2013 йилнинг «Обод турмуш йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан мамлакатда халқнинг турмуш даражаси ва сифатини ошириш, фаровонлик, тинчлик ва тотувликни таъминлаш вазифаларини амалга оширишга ресурслар ва имкониятларни сафарбар қилиш, давлат, нодавлат ва жамоат ташкилотларини кенг жалб этиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш мақсадида устувор йўналишлари сифатида аҳоли фаровонлиги ва реал даромадларининг изчил ўсишини таъминлаш, иш билан бандликни ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерликни янада ривожлантириш, оилаларни янада мустаҳкамлаш, аёлларнинг оила ва жамиятдаги роли ва мақомини ошириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш, иш билан бандлигини таъминлаш ҳамда аёлларнинг иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва соҳаларидаги фаолиятини муносиб рағбатлантириш, уларнинг ўз иқтидорини намоён қилиши ва уй-рўзғордаги ишларини енгиллаштириш учун қулай ижтимоий-маиший шароитлар яратиш чора-тадбирларини амалга ошириш каби тадбирлар белгиланган эди.⁴

Шу сабабдан ҳам жамиятимизнинг асоси бўлмиш оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, оилаларни, айниқса ёш оилаларни ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасида олиб борилаётган барча ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини ошириш, мустаҳкам, соғлом оилани шакллантиришда маҳалланинг мавқеини мустаҳкамлаш ва ролини кучайтиришга доир аниқ мақсадга йўналтирилган кенг қўламли чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш ҳозирги кундаги муҳим масала ҳисобланади.⁵

Белгиланган тадбирларда тадбиркорликни ривожлантиришда ёшлар ва аёлларнинг ролини ошириш муҳим вазифа сифатида қаралганлиги сабабли ҳам, 2012 ва 2013 йилнинг ўтган даври мобайнида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, унинг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди. 2012 йил 16 мартда Қонунчилик палатаси томонидан «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди ҳамда Сенат томонидан 2012 йил 23 мартда маъқулланди.⁶

Қонуннинг асосий мақсади иқтисодиётнинг турли соҳаларида оилавий тадбиркорликни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг муҳим шакли сифатида ривожлантириш учун зарур қонунчилик базасини яратиш, унинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш ва янги иш жойлари ташкил этишдан иборат. Чунки мамлакатимизда тадбиркорликни ташкил қилишнинг ушбу шакли бизнесни юритишда юзага келган миллий анъаналаримизга, хўжалик юритиш фаолиятининг мавжуд ҳолатига тўла мос келади.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори «Обод турмуш йили» давлат дастури тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 8-сон, 99-модда)

⁵ «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 13 декабрдаги Ф-3760-сон фармойиши

⁶ «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. www.lex.uz

2012 йилда хотин – қизларнинг бандлигини таъминлаш учун иш ўринлари яратиш ҳам муҳим ўрин эгаллади. Буни қуйидаги жадвал маълумотларидан кўриш мумкин.

2-жадвал

2012 йилда кичик корхоналар ва микрофирмаларни ривожлантириш ҳисобидан хотин-қизлар бандлигини таъминлаш

| Кичик корхоналар ва микрофирмаларни ривожлантириш йўналишлари | Яратилган иш ўринлари сони (мингта) | Жами яратилган иш ўринларига нисбатан фоизда |
|---|-------------------------------------|--|
| хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси | 114 | 47,5 |
| оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан | 90 | 37,5 |
| саноат | 20 | 8,3 |
| қурилиш | 16 | 6,7 |
| Жами | 240 | 100 |

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, янги иш ўринларини яратишда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 37,5 фоиз хотин-қизлар бандлиги таъминланиши режалаштирилган, бундан ташқари, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни қўллаб-қувватлаш учун 60041 минг сўмлик кредитлар ажратиш белгиланган эди. 2012 йил якунларига кўра кўзда тутилган мақсадларга эришилди. Хусусан, Президентимиз И.А.Каримовнинг 2012 йил якунлари ва 2013 йилга мўлжалланган устувор йўналишларга бағишланган мажлисдаги маърузасида “Банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлашда касаначиликнинг турли шакллари, биринчи навбатда, касаначилар ва корхоналар ўртасидаги кооперацияни меҳнат шартномалари асосида кенгайтириш, оилавий бизнесни ривожлантириш катта резерв ҳисобланади. Мазкур соҳалар ҳисобидан 280 мингдан ортиқ кишини ишга жалб қилиш кўзда тутилган”.⁷

2012 йилда шунингдек ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга ҳам эътибор қаратилди. Шу ўринда 2012 йилда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашда қуйидаги йўналишларда амалга оширилган ишларни ажратиш кўрсатиш мумкин.

Маълумотларга асосланган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, ёш оилаларни ва аёлларни тадбиркорлик фаолиятига кенгроқ жалб этиш, улар учун яратиладиган шарт-шароитларга боғлиқ бўлиб, ҳозирда улар фаолиятини молиялаш учун микрокредитлар ва грантлар тақдим этиш вазибалари кўзланган асосда амалга оширилди.

⁷ И.А.Каримов. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Халқ сўзи 2013 йил 19 январ

**2012 йилда оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш
йўналишлари**

| Тадбир номи | Сарф-харажатлар (млн сўм) |
|---|---------------------------|
| Ёш оилаларга, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини молиялаш учун микрокредитлар ва грантлар тақдим этиш | 68210,0 |
| Оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни қўллаб-қувватлаш учун кредитлар ажратиш | 60041 |
| Аёлларни тадбиркорлик фаолиятига фаол жалб этиш учун уларга кредитлар бериш | 365364 |

2013 йилнинг «Обод турмуш йили» деб эълон қилиниши муносабати билан қабул қилинган Дастурда мазкур йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини, иш ўринлари ташкил этишнинг тармоқ ва манзилли ҳудудий дастурларини амалга ошириш, ишлаб чиқариш инфратузилмалари объектларини қуриш ва ишга тушириш, хизматлар соҳасини, кичик бизнесни, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, касаначиликни кенгайтириш ҳисобига аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш юзасидан қуйидагилар белгиланган эди.

4-жадвал

2013 йилда яратилиши кўзда тутилган янги иш ўринлари сони⁸

| Янги иш ўринларини яратиш йўналишлари | Яратилиши кўзда тутилган иш ўринлари сони |
|---|---|
| янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, ишлаётган корхоналарни модернизация қилиш ва кенгайтириш ҳисобига | 57,9 минг |
| кичик корхоналар ва микрофирмаларни яратиш ва ривожлантириш ҳисобига | 367,8 минг |
| якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига | 117,7 минг |
| касаначиликнинг барча шакллари ташкил этиш ҳисобига | 218,4 минг |
| фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш ва кенгайтириш ҳисобига | 124,1 минг |
| ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш ҳисобига | 73,1 минг |
| иқтисодий ночор ва ишламаётган корхоналар фаолиятини қайта тиклаш ҳисобига | 13,7 минг |
| Жами | 972,7 минг |

⁸ Жадвал «Обод турмуш йили» давлат дастури маълумотлари асосида тузилди

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, 2013 йилда жами 972, 7 минг янги иш ўринлари яратилиш кўзда тутилган бўлиб, бу иш ўринларини яратишнинг аксарият қисми кичик корхоналар ва микрофирмаларни яратиш ҳамда ривожлантириш ҳисобига тўғри келади. Бундан ташқари янги иш ўринларини яратишда касаначиликни барча шакллари ташкил этиш ва яққа тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш ҳам алоҳида ўрин тутган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредит билан қўллаб-қувватлашни кенгайтириш, аҳолининг тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчилик субъектларини, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалиklarини ривожлантириш, аҳоли даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромадларни янада кўпайтириш, оилаларнинг фаровонлигини ошириш, янги иш ўринлари ташкил этиш, касб-хунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш ва уларнинг бандлигини таъминлаш юзасидан 2013 йилда мўлжалланган қуйидаги ишлар амалга ошириб келинмоқда.

5-жадвал

2013 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантиришга ажратилган кредитлар

| Тадбир номи | Сарф-харажатлар (млн. сўм) |
|--|----------------------------|
| оилавий, хусусий тадбиркорлик ва хунармандчилик субъектларига | 110 120,0 |
| қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қорамол сотиб олиш учун шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалиklarига | 106 000,0 |
| ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши учун 15 минг нафар касб-хунар коллежлари битирувчиларига | 53 500,0 |
| Жами | 269 620 |

Жадвал маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, 2013 йилда кредитлар оилавий, хусусий тадбиркорлик ва хунармандчилик субъектларига устувор равишда ажратилади. Ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши учун 15 минг нафар касб-хунар коллежлари битирувчиларига 53 500,0 млн.сўм миқдоридagi кредит маблағларини ажратилиши ўрта махсус таълимга эга бўлган ёшларни иш билан таъминлаш масаласини маълум даражада енгиллаштиришга имкон яратди.

Мазкур дастурда шунингдек аёлларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва уларнинг фаол фуқаролик позициясини кучайтириш мақсадида хотин-қизлар қўмитаси, тижорат банклари, «Меҳр нури» жамғармаси, «Аёллар кенгаши» РЖБ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Марказий банк томонидан тижорат банклари ва ҳудудлар бўйича тадбиркор аёлларга кредитлар ажратиш прогноз параметрларини ва комплекс чора-тадбирларни тасдиқлаш

ҳамда тижорат банклари билан биргаликда кредитлар олиш тартиби ва шартлари, улардан самарали фойдаланиш механизмлари тўғрисида уларга тушунтириш ишлари олиб бориш каби тадбирлар белгиланган.

б-жадвал

Имтиёзли кредитлар бериш йўли билан аёллар тадбиркорлигини ҳар томонлама ривожлантириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар

| Тадбир номи | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари |
|---|----------------------------------|---|
| аёллар меҳнатидан фойдаланувчи кичик корхоналарга, шунингдек аёллар раҳбарлик қилаётган корхоналарга | 540 000,0 | Тижорат банклари кредити |
| оилавий бизнесни ривожлантириш ҳамда тадбиркор аёлларга — Халқаро ҳамкорлик бўйича омонат кассалари жамғармаси (Германия) томонидан берилган кичик тадбиркорликни микрокредитлашнинг тикланадиган кредит жамғармаси маблағлари ҳисобига бошланғич капитални тўлдириш учун | 250 минг евро | «Микрокредит-банк», Халқ банки, Омонат кассалари фонди (Германия) |

Ушбу жадвалда келтирилган маълумотлар республикамызда аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга берилаётган эътибор тобора ошиб бораётганидан далолат беради. Бу тадбирларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Либерал - демократик партиясининг ҳам хизматлари катта.

Аёлларни, аёллар тадбиркорлигини маънавий ва моддий қўллаб-қувватлашни таъминлаш, оилалар даромадларини ошириш мақсадида 20060,0 млн.сўмлик маблағ ажратилган бўлиб ИТҚҚЖ, Марказий банк, «Микрокредитбанк», Германия халқаро ҳамкорлик жамияти, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари. «Оила фаровонлигини таъминлаш учун аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш» лойиҳасини қуйидаги йўллар билан амалга оширишмоқда.

Аёлларнинг иқтисодий билимларини, ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашиш, бизнес-режаларини шакллантириш ва кредитларни жалб этиш кўникмаларини такомиллаштириш, оилаларнинг молиявий саводхонлигини ошириш, оилавий бизнесни ривожлантириш, аёллар бандлигини таъминлашга кўмаклашиш каби масалалар ҳам жорий йилдаги муҳим масалалардан бўлиб, ҳозирги кунда улар бўйича тадбирлар хотин-қизлар кўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент

шаҳар ҳокимликлари, «Микрокредитбанк» ОАТБ томонидан фаол олиб борилмоқда.

7-жадвал

Аёлларни, аёллар тадбиркорлигини маънавий ва моддий қўллаб-қувватлашни таъминлаш, оилалар даромадларини ошириш тадбирлари

| Тадбир номи | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари |
|--|----------------------------------|--------------------------------|
| 6 минг фермер ва тадбиркор аёлларнинг бизнес малакалари ва молиявий саводхонлигини ошириш бўйича бир қатор тренинглар ташкил қилиш | 20 000,0 | «Микрокредит-банк» |
| 5 минг тадбиркор ва фермер аёлларга имтиёзли микрокредитлар бериш | 60,0 | ИТҚҚЖ |

Бундай тадбирлар жумласига Қорақалпоғистон Республикасининг Қонликўл, Қашқадарё вилоятининг Қарши, Фарғона вилоятининг Тошлоқ, Жиззах вилоятининг Фориш, Сирдарё вилоятининг Мирзаобод, Тошкент вилоятининг Юқори-Чирчиқ туманларида 400 нафар аёл учун амалга оширилган таълим дастурларини киритиш мумкин. Мазкур тадбирга 40 минг АҚШ доллари, 300 млн. сўм маблағ ажратилди. Шунингдек «Аёллар кенгаши» РЖБ, Марказий банк, МФК, НАМОКС, «Микромолиялаштириш ва бизнес таълим маркази» НОУлар томонидан «Оилавий келажагини режалаштир» мавзусида оилавий бюджетни шакллантириш, тадбиркорлик кўникмаларини ҳосил қилиш масалаларида ёш оилаларнинг молиявий саводхонлигини ошириш бўйича 10 минг оилада молиявий саводхонликни ошириш, 2000 минг оилада оилавий бизнесни йўлга қўйишга оид тренинглар, фарзандли 500 нафар ишсиз аёлга 12 турдаги касб-хунар ўргатишни ташкил этиш билан боғлиқ тадбирлар олиб борилмоқда.

Аёллар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш йўналишларидан яна бири бу Олий Мажлис хузуридаги жамоат фонди томонидан амалга оширилаётган грант танлови ҳисобланади. Ушбу танлов 2013 йилнинг 25 мартда эълон қилинган бўлиб асосий мақсади:

- аёллар ва ёшларни, ёш оилаларни, имконияти чекланган фуқароларни ҳамда аҳолининг кўмакка муҳтож бошқа қатламларини ижтимоий жиҳатдан янада қўллаб-қувватлаш;

- аёллар ва ёшларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилинишини, реабилитациясини, бандлигини таъминлашни янада кучайтириш, мамлакатимиз ҳудудларида ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш;

- аҳолига янги иш ўринлари яратиш ва ишга жойлашишларига ёрдам кўрсатиш;

- ҳудудларимизда, айниқса, узоқ кишлоқ ҳудудларида, оилавий бизнес, хусусий тадбиркорлик, касаначилик ва халқ хунармандчилигини,

тадбиркорлик фаолиятининг бошқа шакллари ривожлантиришга янада кўмаклашиш;

- ёшларни, энг аввало, касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига янада кенгроқ жалб этиш учун шароитлар яратишга ёрдам бериш;

- аёллар ва ёшларнинг ижтимоий фаоллигини янада ошириш, узок туманлар ва қишлоқ ҳудудларида уларнинг касбий таълими сифатини яхшилаш;

- жамиятимизнинг маънавий асосларини янада ривожлантиришда оиланинг роли ва аҳамиятини оширишга, жамиятимизда азалий миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизни, одоб-ахлоқ тамойиллари ва соғлом турмуш тарзини янада мустаҳкамланишига кўмаклашиш;

- аҳолининг ҳуқуқий онгини шакллантириш, жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятини оширишдан иборат.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори - 15 млн. сўмгача белгиланган бўлиб, бунда Нодавлат-нотижорат ташкилотларининг ўз маблағларини жалб этилиши ва ижтимоий шериклик қўллаб-қувватланиши белгиланган.

Амалга оширилаётган ишлар ва бу борада турли партияларнинг фаол иштироки кўзланган мақсадларга тезроқ эришиш имкониятини яратади.